



Javob qaytarganda shu № ko'rsatilsin
When you answer show this №

№ 01-02/SS31 «24» 9 2025 y.

**Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий тиббиёт
маркази директори А.В.Алимовга**

Олий аттестация комиссияси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг мурожаатига (28.08.2025 й., №01-06/1223) кўра «Тўракулов ўқишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламидаги етакчи хорижий олим-мутахассислар тақризидан ўтказилган ҳолда инглиз тилида чоп этилган мақолалар (маърузалар тезислари бундан мустасно) тиббиёт фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган хорижий илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолаларга тенглаштирилганлигини маълум қилади.

Асос: ОАК тиббий-терапевтик ва тиббий-хирургик тадқиқотлар бўйича эксперт кенгашлари (19.09.2025 й., № 8) тавсиялари; ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (23.09.2025 й., №9/19); ОАК Раёсати қарори (24.09.2025 й., № 375/5).

Илова: 1 варақ.

Бош илмий котиб

А.А.Шермухамедов

Ижрочи: А.Зуфаров

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 882

2025 йил 24 сентябрь

**«Тўрақулов ўқишлари» мавзусидаги халқаро
илмий конференция материаллари тўпламида чоп этилган мақолаларини
диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилган
илмий мақолаларга тенглаштириш тўғрисида**

Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида 2025 йилнинг 12 ноябрь куни «Тўрақулов ўқишлари» мавзусида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий анжуманда нашр этилган илмий мақолаларни Олий аттестация комиссиясининг тиббиёт фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий илмий нашрларга тенглаштириш сўралган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги низомнинг 7-бандига асосан Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг (29.08.2025 й., №01-06/1223) мурожаати ва ОАК Тиббий-терапевтик ва Тиббий-хирургик тадқиқотлар бўйича эксперт кенгашлари (19.09.2025 й., № 8) тавсиясига мувофиқ ОАК Раёсатининг 2024 йил 24 сентябрдаги 375/3-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

«Тўрақулов ўқишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламидаги етакчи хорижий олим-мутахассислар тақризидан ўтказилган ҳолда инглиз тилида чоп этилган мақолалар (маърузалар тезислари бундан мустасно) тиббиёт фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган хорижий илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолаларга тенглаштирилсин.

Раис

А.Т.Юсупов

